

9«11»2022 yil.

511-12-179-OB/2022-son

ЛОЙИХА ИШЛАРИ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ №- 53031

Урганч шаҳри

2022 йил «09» ноябр

Келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи "Янгиарик тумани хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор А.Ражаповбир томондан, келгусида «Лойихачи» деб номланувчи "XORAZM YOL KOPRIK QURILISH" МЧЖномидан иш юритувчи раҳбар Н.Саидов иккинчи томондан, Янгиарик туман Шеробод маҳалласи Порлок Истиклол кучаси ички хужалик -1,175 км йулини жорий тамирлаш объектига лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқаришни шартномасни туздилар.

**1. Шартноманинг мазмуни**

1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириғи бўйича ишчи лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ишларини бажариш учун топширик бериш, зарур бўладиган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш, белгиланган тартибда ва миқдорда ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Лойихачи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлари лойиха смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги 1.03.01-03 ШНҚ қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

**2. Ишларни бажариш муддати**

2.1. Лойихачи ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

2.2. Мазкур шартномада ЛСХни тайёрлаш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб 5 иш кун этиб белгиланади.

2.3. Буюртмачи томонидан топширик, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириғи бўйича иловадаги кўчаларни ишчи ЛСХ хужжатларини (топологик сёмка, қурилишни ташкил этиш лойихаси) ишлаб чиқиш, амалдаги тартиб қоидалар бўйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалда белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**3. Шартнома баҳоси.**

3.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (07,11,2022 йил Лот № 163664) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва ККС:- 3260869 сўм билан жорий нархларда 25 000 000 (Йигирма беш миллион) сўмни ташкил этади.

**4. Тўлов шартлари.**

4.1 Шартномада миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши белгиланади, тўловлар тўғридан-тўғри Лойихачи ҳисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс, ишлар умумий қийматининг **30 фоизини** ташкил қилади ва шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида тўлаб берилади.

4.3. Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ишлар тўлалигича бажарилиб, хажми, сифати ва Лойихачининг хисоботи текширилиб, Давлат экспертизаларидан ўтказилиб, аниқланган камчилик ва хатолар, билдирилган эътирозлар бартараф қилиниб ижобий хулосалар олингандан кейин шартнома қиймати доирасида илгари берилган авансни хисобга олган холда якуний тўловни амалга оширади.

#### **5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

##### **Лойихачининг мажбуриятлари:**

5.1. Лойихалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.

5.2. Объекти ЛСХ ҳужжатлари ва нуқсонлар далолатномаларини тайёрлаб, Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электр тармоқлари корхонаси, водоканал, райгаз, ёнғин хавфсизлиги назорати), тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш.

5.3. Буюртмачининг розилигисиз ЛСХ ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

5.4. Тайёрланган ЛСХ ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишни бажаришга қаршилиқ қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлайди.

5.5. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган дастлабки ва бирламчи маълумотларни, муҳандислик қидирув хулосаларини, Буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик, улардан фақат ушбу шартномадаги предметда фойдаланиш мажбуриятини олади.

5.6. Объектда қурилиш ишлари тўлалигича якунлангандан сўнг, ишчи комиссиясига Лойихачи объектнинг ЛСХ ҳужжатлари асосида қурилганлиги тўғрисида хулоса тақдим қилиш.

5.7. ЛСХ ҳужжатларини бир-бирига мутаносиблиги (мос келиши) ва иш хажмларини ишчи чизмаларида берилган иш турлари мослиги ШНК талабларига жавоб беришига лойихачи ташкилоти буюртмачи ва пудратчи олдида жавобгардир.

##### **Буюртмачининг мажбурияти:**

5.8. Лойихачидан олинган ЛСХ ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, ЛҚИ ҳужжатларини Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик.

5.9. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун Лойихачига ҳақ тўлаш.

5.10. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган хажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш.

5.11. Тайёр бўлган ЛСХ ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда Лойихачи билан бирга қатнашиш.

5.12. Лойихачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни Лойихачига тўлаш.

5.13. Тайёрланган ЛСХ ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Лойихачини жалб қилиш.

5.14. Лойихачининг ҳуқуқлари:

- ЛСХ ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида зарурат бўлса айрим махсус қисмларини бажариш учун ёрдамчи (субподрядчикларни) жалб қилишга ҳақлидир.

## 6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

6.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.

6.2. Лойихачи томонидан топшириладиган ва расмийлаштириладиган ҳужжатлар руйхати техник топшириқда аниқланади.

6.3. Лойихачи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топшириқда кўрсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб битта электрон вариант ва 3та нусхада ҳужжатлар комплектини ҳисобот билан тақдим этади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилганидек, топшириш - қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва Лойихачига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

6.5. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг руйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.6. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган мажбуриятлар юкланади.

6.7. Ўзаро ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда лойихачи уларни беғараз бартараф этади.

6.9. Агар Лойихачи ўтган босқич учун ҳисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

## 7. Тарафларнинг жавобгарлиги.

7.1. Лойихачи ЛСХ ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган ЛСХ ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир ва камчиликларни бартараф қилиш учун қилинган харажатларни қоплайди.

7.2. ЛСХ ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, Лойихачи Буюртмачининг талаби билан 10 кун муддатда ЛСХ ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

7.3. Томонларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига асосан белгиланади.

7.4. Лойихачи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **8. Қоррупцияга қарши курашиш шартлари**

8.1. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул туламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кузлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йул қўймаслик буйича чоралар қўрилишига кафолат беради.

## **9. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс – мажор).**

9.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома буйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибатхукмсурганвақтгамосравишдаорқага сурилади.

9.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Лойихачи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг хар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **10. Қўшимча шартлар**

10.1. Буюртмачи 1.1 - бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Лойихачи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Лойихачи олинган бирламчи маълумотлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

10.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тугрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

## **11. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари**

11.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажарилгунча ўз кучида қолади.

11.2. Шартноманинг муддати тугашига қарамай, томонлар жавобгарликдан озод этилмайди.

11.3. Лойиха смета ҳужжатларини таёрлаш:-«09\_» \_11\_.2022 йилдан бошланиб:-«09\_»\_12\_.2022 йил тугатиб топшириш белгиланади ва шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

## **12. Бахсларни хал этиш тартиби**

12.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар ўзóra муҳокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

## **13. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби ва бекор қилиш тартиби.**

13.1. Ушбу шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

13.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шarti билан йўл қўйилади.

13.3. Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошиқ муддатга кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

13.4. Лойихачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошиқ муддатга тўхтатилса, Буюртмачи лойихалаш ишларининг хақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, Лойихачи шартномани бекор қилишга хақли.

13.5. Шартномани бекор қилиш хақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътироз билдирмаса шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

#### 14. Томонларнинг рекузитлари:

**Буюртмачи:**

Янгиарик туман ҳокимлиги  
ҳузуридаги Ободонлаштириш  
бошкармаси

Манзили: Янгиарик туман  
А.Навоийкучаси 1-уй  
Телефон: +998999631568  
ш/хр: 401722860332337065200110012  
СТИР 206945594,

Молия вазирлиги ғазначилиги  
Ғазна х/в: 2340 2000 300 100 001 010  
Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ  
МФО 00014 СТИР 201 122 919



Рахбар

А.Ражапов

**Лойихачи:**

“XORAZM YOL KOPRIK QURILISH”  
МЧЖ

Манзили: Урганч шаҳар Партов  
кучаси 6-уй 2 пр  
Телефон: 97-791-6525  
Х/р -20208000204600825002  
СТИР -300384037

БАНК:ТИФ Миллий банк Урганч  
филиали  
МФО 00547

Директор

Н.Саидов



	<b>Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan.</b> <b>Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR</b> <b>Code ni skanerlang.</b>	
	Imzolovchi F.I.SH.	ANVAR RAJAPOV OLLABERGANOVICH
	Imzolangan sana	09.11.2022 15:54
	Hujjat kodi	<b>DR5561418544</b>
	Hulosa kodi	<b>UD0047711706</b>

2022 йил «09» 11 № 53031  
-сонли шартномага 1-илова

Янгиарик туман Шеробод маҳалласи Порлок Истиклол кучаси ички хужалик -1,175 км йулини жорий тамирлаш

бўйича лойиҳа ишларини бажариш

ГРАФИГИ

№	Объект номи ва манзили	Ишлар тури	Ишлар қиймати жами, мингсум	шу жумладан 2022йил		қурилиш давомида
					ноябр	
1	2	3	4	5	6	7
1	<u>Янгиарик туман Шеробод маҳалласи Порлок Истиклол кучаси ички хужалик -1,175 км йулини жорий тамирлаш</u>	Лойиҳа-смета ишлари	25000000	-	25000000	-
	ЖАМИ:		25000000	-	25000000	-



*Handwritten signature of A. Rasimov*



*Handwritten signature of N. Cosirov*

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

UD0047711706

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Yangiarik tuman Sherobod maxallasi Porlok Istiklol kuchasi ichki xujalik -1,175 km yulini joriy tamirlash ob'ektiga loyixa-smeta xujjatlarini ishlab chikarish shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: YANGIARIQ TUMANI HOKIMLIGI HUZURIDAGI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 08.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yangiarik tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**Y.S.XO‘JAMURATOVA**

09.11.2022